

2- илова

Хизмат курсатиш ва ажратилган
интернет алоқани тестдан ўтказиш

№ 40175103 сонли шартнома

«5» январ 2022 й.

ДАЛОЛАТНОМА

«Ўзбектелеком» АК Жиззах филиали, Бахмал ТБ кейинчалик «Оператор» деб юритилувчи, **Бахмал туман ҳалқ таълими** кейинчалик «Абонент» юритилувчи, оператор томонидан абонентга телекоммуникация интернет хизматлари тақдим этилаётганини сабабли ажратилган алоқа тармогини тестдан ўтказишини топшириш ва қабул килиш ҳамда «5» январ 2022 йил телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича тузилган шартномага асосан хизматга уланишни амалга оширидилар.

№	Уланган хизмат тури номи	Сана	Бажарилгани хакида белги
1	Тақдим этилаётган хизмат тури <input checked="" type="checkbox"/> Интернет (оптик толали) хизмати	Ишга тушуриш санаси: «5» январ 2022 г.	Бажарилди

«Оператор»

«Абонент»

«Ўзбектелеком» АК Жиззах филиали
Бахмал ТБ

Бахмал тумаг Ҳалқ таълими бўлими



Р.Дўмонов

М.П.

Мудири

К.Гулбоев



40175103 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Жиззах ш.

“5” январ 2022 йил

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “5” январдаги №52-01-08/10-65-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Жиззах филиали Бахмал ТБ бошлиғи Р.Думанов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **Халқ таълими бўлими** номидан Устав (Низом, рўйхатта олингандаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи **К.Гулбоев** (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши **Интернет** хизмати бўйича кўйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўйлик танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастрлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастрлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3.Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириши (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириши (**Prepaid**) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик хисоб **100 (бир юз)** фойз микдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз)** фойз микдорида олдиндан тўланади. Дастрлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишили иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури интернет бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг бир ойлик суммаси (ҚҚСни хисобга олган ҳолда) **4 290 000 (Тўрт миллион икки юз тўқсон минг)** сўмни ташкил этади. Шартноманинг умумий суммаси Интрнет тўловлари билан жами **12 870 000 (Ўн икки миллион саккиз юз етмиш минг)** тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтингча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равиша блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлик календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ён) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисбланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганларига учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорлarda жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Жиззах туманлараро иқтисодий судида кўриб чикилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равиша Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишини тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равиша хабардор қилинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди**. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этиладиган) ўз шартларини бажаришини давом эттиrsa ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини ёълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1 бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилиари бўйича белгиланган тартибда ғазначилик бўлмиларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб **йилнинг 31 декабрь куни охиригача амал қиласди**.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида ёълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ён) календарь кун** ичida бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равиша расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисбланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>Оператор “Узбектелеком”АК Жиззах филиали Бахмал ТБ</p> <p>Манзил: Усмат шаҳарчаси Арчазор 9 уй Тел: Факс:(72)412-1009 Х/р: 2021 0000 8040 7483 8369 Алоқабанк АТБ Жиззах филиали МФО: 00401 СТИР: 203 366 731 ОКЭД: 61100 Корпоратив мижозлар билан ишлаш булими телефон рақами Тел: 72(224-00-04)</p> <p>Салл марказ 1155 Эл.Почта: baxmaltelecom@uztelecom.uz</p> <p></p> <p>Бахмал ТБ башниги М.П. Юристконсульт категории</p> <p></p> <p>R.Дўмонов</p> <p>1-ой А.Холбеков</p>	<p>«Абонент» Бахмал туман Халқ таълими бўлими</p> <p>Манзил: Усмат ШФЙ Мустақиллик кўчаси 41 уй Тел: Факс: 72-412-11-40, 72-412-15-63, 72-412-10-59 ш/хв: 100022860082047096300075003 Банк номи : Тошкент ии., Марказий банкнинг</p> <p>To Toшкентти.XKKM МФО: 00014 СТИР: 207 130 019 ОКЭД: _____</p> <p>Контактные телефоны Тел: 72-412-15-63 mailto:jiztel@uztelecom.uz Эл.Почта: baxmal_txb@ttx.uz mailto:jiztel@uztelecom.uz</p> <p></p> <p>К.Гулбоев</p> <p>M.П.</p>
---	--

№ 40175103 « 5 » январ 2022 й
сонли Абонент шартномасига
№ 1 иловга

Кўрсатиладиган хизмат

1. Хизмат турлари ва уларнинг тарифлари

Киймат бирлиги Миллий валюта Сўм

№	Хизматлар номи	Баҳоси (Нархи) ҚҚС билан	Асос	сони	Сўммаси, ҚҚС билан сўм
1	2	3	4	5	6
I. Бир вактдаги (бир марталик) тўлов					
1.1					
II. Хар ойлик толов					
2.1	Интернет (оптик толали) хизмати	858 000	858000	5	12 870 000
2.2					
Жами (олдиндан толов)					

Шартнома бўйича тўланадиган абонент тўлови : 12 870 000 (Ўн икки миллион саккиз юз етмиш минг) сум,

«Оператор»

«Ўзбектелеком» АК «Жиззах» филиали
Бахмал ТБ



Р.Дўмонов

«Абонент»

Бахмал туман Халқ таълими бўлим

Мудири

К.Гулбоев

М.П.



**NJ43148557 -сонли ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА
ХУЖЖАТНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА
МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

1. **Лойиҳанинг тури: Шартнома**

2. **Лойиҳанинг номи:** «Ўзбектелеком» АК Жиззах филиали, Бахмал ТБ кейинчалик «Оператор» деб юритилувчи, Бахмал туман халқ таълими кейинчалик «Абонент» юритилувчи, оператор томонидан абонентга телекоммуникация хизматларини тақдим этиш шартномаси.

3. **Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:**

Бахмал тумани Халқ таълим бўлими томонидан 2022-йил 24-январь куни ишлаб чиқилган ва дастурга киритилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни тузиш мақсадга мувофиқ.

Марказ бош юрисконсульты

2022-йил 27-январь



Х.Маматқулов